

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ЮНУСХОДЖАЕВА НОДИРА АБДУЛХАМИТОВНА

**НАСТОЙКА ВА ЭКСТРАКТЛАРНИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА
СТАНДАРТЛАШДАГИ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2019

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна

Настойка ва экстрактларни сифатини таъминлаш ва стандартлашдаги методологик ёндашувни такомиллаштириш.....3

Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна

Совершенствование методологических подходов к обеспечению качества и стандартизации настоек и экстрактов.....29

Yunuskhodjaeva Nodira Abdulhamitovna

Improvement of methodological approaches to quality provision and standartization of tinctures and extracts.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works59

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ЮНУСХОДЖАЕВА НОДИРА АБДУЛХАМИТОВНА

НАСТОЙКА ВА ЭКСТРАКТЛАРНИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА
СТАНДАРТЛАШДАГИ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Far18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий маслаҳатчи: | Абдуллабекова Вилоятхон Нуруллабековна фармацевтика фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Дўсматов Азиз Файзаматович фармацевтика фанлари доктори, доцент Тўлаганов Абдуқодир Абдурахмонович фармацевтика фанлари доктори, профессор Абдулладжонова Нодира Ғуломжоновна кимё фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | А.Султонов номли Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти |

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.И. Алимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда доривор ўсимликлардан фойдаланиб, турли касалликларни олдини олиш ва даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг тахминан 80% ўсимлик асосида олинган дори воситаларидан фойдаланади. BBC Research тадқиқоти натижаларига асосан келгуси йилларда фитопрепаратларнинг жаҳон бозорида йилига 6,6% га ўсиши ва 2020 йилга келиб унинг ҳажми 35,4 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Ривожланган хорижий давлатлар жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги дори воситалари умумий ҳажмининг 10% ни, Япония ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида эса 40% ни¹ ўсимликлар асосидаги препаратлар ташкил этаётгани катта аҳамиятга эга.

Дунёда маҳаллий ўсимлик хомашёлари асосида гемостатик ва қандли диабет касалликларини даволаш учун юқори самарадорликка эга дори воситаларини олиш ва уларни стандартлаша: биологик фаол моддаларини аниқлаш, дори воситасини сифатини баҳолаш ва валидацияланган замонавий миқдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш; объектив баҳоловчи меъёрларни белгилаб бериш ҳамда тиббиётга татбиқ этиш учун меъерий ҳужжатларини етакчи халқаро фармакопеялар билан уйғунлашган, миллий стандартларни тузиш ва тасдиқлаш зарур.

Республикада фармацевтика саноати учун доривор ўсимлик хом ашёсидан фойдаланган ҳолда гален препаратлар ишлаб чиқиш бўйича маълум даражада илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, ҳавфсиз ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан фармацевтик шартларига мос келувчи маҳаллий хом ашё асосида янги фитопрепаратлар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сонли «2019 - 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 апрелдаги 32-сон «Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол

¹ Н.Г. Оленина, Н.С. Михеева, Н.М. Крутикова. Особенности экспертизы «польза/риск» лекарственных растительных препаратов: анализ регистрационных досье. Вестник Научного центра экспертизы средств медицинского применения. 2018 (8) С.84-91.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

қўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари» тўғрисидаги баёни, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Ўсимлик хом ашёлари асосида дори воситаларини ишлаб чиқиш ва стандартлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Institute of Pharmaceutical Science (Ҳиндистон Республикаси), Yonsei University, Seoul, (Корея), Engineering Center of State Ministry of Education for Standardization of Chinese Medicine Processing ва Huazhong University of Science and Technology (ХХР), Community Health Sciences, University of London, Cranmer Terrac (Буюк Британия); Institute of Pharmaceutical Sciences the University of Mississippi (АҚШ), Faculty of Pharmaceutical Sciences the University of Tokushima (Япония), Волгоград давлат тиббиёт университети», Пятигорск давлат фармацевтика академияси, Самара давлат тиббиёт университети, И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва тиббиёт университети (Россия Федерацияси), Харьков миллий фармацевтика университетида (Украина) олиб борилмоқда.

Ўсимлик хом ашёси асосида дори воситаларни ишлаб чиқиш, терапевтик биологик фаол бирикмаларини аниқлаш, улар асосида сифатни назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва стандартлашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор куйидаги илмий натижалар олинган: *Polygonum aviculare* L. ўсимлигида флавоноидлар таркиби аниқланган (Yonsei University, Кореяда); *Urtica dioica* L.нинг ўсимлик хом ашёси ва препаратининг кимёвий таркиби, стандартланиши ва қўлланилиши аниқланган (Всероссийский научно-исследовательский институт лекарственных и ароматических растений, Москва, Россия Федерацияси); *Galega officinalis* L. экстракти таркибидаги алкалоидсиз фракциясининг қандли диабет касалигидаги таъсири аниқланган (Украина миллий университети); *Vaccinium myrtillus* L. таркибидаги флавоноидлардан кверцетин-3-О-ксилозид идентификацияланган ва дифференциал спектрофотометрия микдорий таҳлил усули ишлаб чиқилган (Москва, Россия Федерацияси).

Дунёда доривор ўсимлик хомашёлари асосида олинган дори воситалари хусусан настойка ва экстрактлар бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: таъсир этувчи моддаларини

³Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevar.com/locate/jethpharm асосида шакллантирилган

аниқлаш, замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш, фармакопёвий сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва стандартлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида таъсир этувчи моддалар сақлаган ўсимлик хомашёларидан олинган настойка ва экстрактларни сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш ва улар асосида янги дори воситаларни олиш устида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дунё миқёсида олиб борилаётган қон тўхтатиш ва яллиғланишга қарши таъсирли дори воситаларни ишлаб чиқиш, биофаол моддаларини ўрганиш ва стандартлаш бўйича, N.V. Dau, V.N. Thang, J.P. Dzoyem, Lupak MI, Khokhla MR, Nachkova G.Y., Luka C.D., Adoga G.I., Hsu C.Y., Seo SH, Lee SH, Cha PH, Kim MY, Min do S, Choi K.Y., Olaru O.T., A. K. M. Moyeenul Huq, Jamia Azdina Jamal, Johnson Stanslas каби хорижлик олимлар, шунингдек рус олимлари О.В Евдокимова, В.А. Куркин, А.И. Сливкин, А.С. Чистякова, Л.М.Гориловкого, А.А.Полунина, В.Н. Крупина, А.Т.Терешина, В.А. Смирнова, А.М. Куянцева, Ю.Г. Пшуков, Л.Р. Сулейманова, О.В. Тринеева, Е.Ф. Сафонова, А. Балогазян, О.Е. Правдивцева, А.Д. Орехова, И.В. Шилова, Т.К. Рязанова илмий тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Ўсимлик хомашёси асосида яллиғланишга қарши, гемостатик ва қандли диабетга қарши дори воситаларини ишлаб чиқиш, фармакологик фаоллигини ўрганиш бўйича Х.Х. Холматов, Т.П. Пўлатова, Х.У.Алиев, А.Я. Ибрагимов, Х.М.Комилов, Ф.Ф.Урманова, С.Н.Аминов, У.М. Азизов, А.Қ. Саидвалиев, Қ.А. Убайдуллаев ва В.Н. Абдуллабековалар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур диссертация иши доривор ўсимликлар аччиқ торон, қуш торон ва икки уйли газанда хомашёлари асосида яллиғланиш ва қон тўхтатишга қарши «Гемостат» суюқ экстракти, «Қуш торон» настойкаси, «Аччиқ торон» суюқ экстракти ва қандли диабет касаллигини даволаш учун қўлланадиган «Фито диабетол» настойка дори воситаларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган баъзи настойка ва экстрактлар, жумладан жағ-жағ суюқ экстракти учун илк бор замонавий таҳлил усули ишлаб чиқилган, тирноқгул ва аччиқ қалампир настойкалари учун эса таҳлил усуллари такомиллаштирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади доривор ўсимлик хомашёлари асосида олинган янги ва бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш учун илмий асосланган замонавий таҳлил

усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Ўсимлик дори воситаларининг сифатини баҳолаш бўйича хориж ва миллий меъёрий ҳужжатларнинг талаблари даражасини ўрганиш, уларнинг сифатини баҳолаш усулларининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ҳамда ахборот-таҳлилий тадқиқотлар асосида ҳозирги талаблар даражасига мувофиқ услубий тизимли ёндашувни таклиф қилиш;

Ўсимлик дори воситаларининг сифатини баҳолашда тизимли ёндашувдан фойдаланиб сифатни назорат қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, мавжуд таҳлил услубларни такомиллаштириш ва фармацевтика маҳсулотларининг сифат стандартларининг таркибига киритиш;

аччик торон, куш торон, икки уйли газанда ўсимликларининг маҳаллий хомашёлари асосида ялиғланиш ва қон тўхтатувчи таъсирга эга бўлган «Гемостат» суюқ экстракти дори воситасини олиш ва унинг сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;

оддий черника ва доривор галега ўсимликлари асосида «Фито диабетол» настойкасини олиш ва сифатини назорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш;

куш торон настойкаси ва аччик торон суюқ экстрактининг сифатини баҳолашнинг замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш;

маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган баъзи настойка ва экстрактлар учун инструментал таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ва миллий стандартлар таркибига киритиш;

маҳаллий ишлаб чиқарилаётган настойка ва экстрактларни таркибидаги этил ва пропил спиртлари, оғир металларни аниқлашнинг замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон фармакопеяси таркибига киритиш учун таклиф бериш;

олинган янги дори воситаларининг тиббий-биологик хусусиятларини ўрганиш;

тадқиқ этилаётган дори препаратлари учун дунёнинг етакчи фармакопеялари талаблари асосида уйғунлашган корхона фармакопея мақолалари лойihalарини ишлаб чиқиш ва уларни тиббиётда қўллашга рухсат олиш учун ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Дори воситалари тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат Маркази” ДУК га такдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аччик торон, куш торон, икки уйли газанда ўсимликларининг маҳаллий хомашёлари асосида «Гемостат» суюқ экстракти, «Куш торон» настойкаси, «Аччик торон» суюқ экстракти ва оддий черника ҳамда доривор галега ўсимликлари асосида олинган «Фито диабетол» настойкасидан фойдаланилган. Маҳаллий ишлаб чиқарилаётган баъзи настойка ва экстрактлардан эса тирноқгул, женьшень, аччик қалампир ва валериана настойкалари ҳамда жағ-жағ суюқ экстракти олинган.

Тадқиқотнинг предмети доривор ўсимликлар асосида сифатли дори воситаларини олиш, биофаол моддаларини аниқлаш, фармакологик нуқтаи

назардан баҳолаш ҳамда тиббиёт амалиётига жорий этиш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган баъзи настойка ва экстрактларнинг сифатини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқилган таҳлил усуллари фармацевтика корхоналарининг назорат-таҳлил лабораториялари амалиётига татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда технологик, физик-кимёвий, фармакопейвий ва замонавий инструментал таҳлил усуллари ҳамда компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий аччиқ торон, қуш торон, икки уйли газанда ўсимликларининг хомашёсидан «Гемостат» қон тўхтатувчи суюқ экстракти олинган;

«Гемостат» суюқ экстрактининг биофаол моддаларидан флавоноидлар, аминокислоталар, витамин К₁, макро-, микроэлемент таркиби ҳамда тиббиётга татбиқ этиш мақсадида фармакологик фаоллиги аниқланган;

илк бор оддий черника ва доривор галега ўсимликлари хомашёси асосида «Фито диабетол» БФҚ настойкаси олинган, захарсизлиги ва биологик самарадорлиги исботланган;

тиббиётда қўлланилаётган жағ-жағ суюқ экстракти учун илк бор спектрофотометрия ва ЮССХ усулларидан фойдаланган ҳолда миқдорий таҳлил услуби ишлаб чиқилган;

қуш торон настойкаси ва аччиқ торон суюқ экстракти учун замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

янги олинган ва маҳаллий фармацевтика саноати томонидан ишлаб чиқарилаётган тирноқгул, валериана, женьшень ва аччиқ қалампир настойкалари ҳамда жағ-жағ суюқ экстракти учун этил ва пропил спиртлари, оғир металллар ва макро-, микроэлемент миқдорини аниқлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган ҳамда этил ва пропил спиртлари учун ГСХ, оғир металллар аниқлашнинг ААС усулидан фойдаланиш имкони мавжудлиги аниқланган;

янги олинган дори препаратлар турғунлигини табиий усулда аниқлаш йўли билан сақланиш муддатлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Гемостат» ва «Аччиқ торон» суюқ экстрактлари, «Қуш торон» ва «Фито диабетол» настойкалари олинган ва стандартланган;

«Гемостат» ва «Аччиқ торон» суюқ экстрактлари, «Қуш торон» настойкасининг фармакологик фаоллиги, шунингдек «Фито диабетол» настойкасининг захарсизлиги ва биосамарадорлиги аниқланган;

«Гемостат» суюқ экстракти, «Фито диабетол» настойкаси дори воситаларини сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

«Гемостат» суюқ экстракти ва «Фито диабетол» настойка дори воситалари учун меъёрий ҳужжатлар (фармакопея мақолалари) ишлаб чиқилган;

«Гемостат» суюқ экстракти ва календула настойкаси учун саноат

регламенти ишлаб чиқилган;

Жағ-жағ суюқ экстракти учун янги, аччиқ қалампир ва валериана настойкалари учун такомиллаштирилган микродорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Олинган натижаларнинг ишончилилик даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллар, физик-кимёвий, фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида апробациядан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти янги дори воситаларининг терапевтик самарадорлиги бўйича хорижий аналогларидан кам бўлмаган, маҳаллий хом ашёлар асосида олинган гемостатик, яллиғланишга қарши ва гипоглекемик маҳаллий препаратлар ассортиментини кенгайтирувчи ҳамда тадқиқ этилаётган дори препаратлари учун дунёнинг ривожланган етакчи фармакопеллари талаблари асосида уйғунлашган корхона фармакопел мақолалари лойиҳаларини ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида «Гемостат» суюқ экстракти ва «Фито диабетол» настойкаси дори препаратлари ишлаб чиқилди ва иқтисодий жиҳатдан устун бўлган, безарар, самарали дори воситалари сифатида тиббиёт амалиётига тавсия қилиниб, саноатда ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги ва аҳоли эҳтиёжини қондириши билан изоҳланади. Маҳаллий фармацевтика саноати томонидан ишлаб чиқарилаётган тирноқгул, валериана, женьшень ва аччиқ қалампир настойкалари, ҳамда жағ-жағ суюқ экстракти учун замонавий инструментал усуллари ишлаб чиқилди ва бу усуллар назорат аналитик лабораториялари амалиётида таҳлил қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Настойка ва экстрактларни сифатини таъминлаш ва стандартлашдаги методологик ёндошувни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қуш торон» настойкаси ва «Гемостат» суюқ экстракти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тиббиётда қўллашга рухсат этилган (ФМ 42 Уз-1249-2016; КФМ 42 Уз-22477731-3757-2019). Натижада олинган дори воситалари гемостатик препарат сифатида самарали даволаш имконини берган;

«Фито диабетол» биологик фаол қўшимча учун Техникавий шартлар (Ts15005859-02:2016) тасдиқланган. Уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 15005859-02:2016). Натижада «АКТASH» хусусий фармацевтик ишлаб чиқариш корхонасида «Фито диабетол» настойка шаклида биологик фаол қўшимча ишлаб чиқариш имконини берган;

«Тирноқгул настойкаси» (КФМ 42Уз-22477731-3096-2017), «Женьшень настойкаси» (КФМ 42Уз-22477731-3296-2018), «Аччиқ қалампир настойкаси» (КФМ 42Уз-22477731-3209-2017) учун халқаро фармакопоялар билан уйғунлашган ҳолда этил ва пропи́л спиртлари ҳамда оғир металлларни аниқлашнинг замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган ва меъёрий ҳужжатларига киритилган. Натижада ушбу дори воситалари сифатини замонавий усулларда аниқлаш имконини берган;

«Тирноқгул» настойкаси дори препаратлари учун саноат ишлаб чиқариш регламенти тасдиқланган (42 Уз-03837-22477731-2808-2018). «Гемостат» суюқ экстракти (140-сонли буйруқ, 16.10.2019 й.) ва «Фито диабетол» настойкаси БФҚларни (Ts15005859-02:2016) «ZIYO NUR FARM» ва «АКТАШ» ХК базаларида серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Натижада «Гемостат» суюқ экстракти ва «Фито диабетол» настойкасини тайёрлаш технологиялари ўзлаштирилиб, дори препаратларини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола (11 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарури асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлаништиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Ўсимликлар асосидаги дори воситаларининг бугунги кундаги ҳолати ва сифатини таъминлаш муаммолари» деб номланган биринчи бобда дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва соҳани ривожлантириш истиқболлари, ривожланган давлатлар фармакопояларида настойка ва экстрактлар сифатига қўйилган талаблар ва уларнинг таҳлили, фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида ўсимлик хом ашёсидан олинган дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш, аччиқ торон, куш торон, икки уйли газанда, оддий черника, доривор галега

Ўсимликларини кимёвий таркиби, фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида таҳлил усулларини аттестациядан ўтказиш ҳақидаги умумий маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Хомашё ва таҳлил усуллари» деб номланган бўлиб, унда тадқиқот материаллари, объектлари, асбоб – усуқуналар, фойдаланилган реактивлар, стандарт моддалар, эритмаларнинг тайёрланиши, тадқиқот усуллари ва дизайни келтирилган.

«Доривор ўсимликларнинг янги препаратларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш юзасидан тадқиқотлар ва уларни тиббиёт амалиётида қўлланилишини асослаш» деб номланган учинчи бобда доривор ўсимликлар асосида янги препаратларини ишлаб чиқиш, уларни кимёвий таркибини ўрганишга бағишланган. Бунда витамин К₁ (фитоменадион) ни «Аччиқ торон» суёқ экстракти, «Қуш торон» настойкаси, ва «Гемостат» суёқ экстракти таркибида аниқлашнинг илк бор ЮҚХ усули ва ЮССХ усули таклиф этилган. Олинган янги препаратларнинг сифатини назорат қилиш учун кимёвий, хроматографик ва спектрофотометрия усуллари ишлаб чиқилган.

Флавоноидларни ЮҚХ усулида идентификациялашнинг энг мўътадил тизимлари танланган: аччиқ торон суёқ экстракти учун этилацетат-хлороформ-метанол (8:1:1), қуш торон настойкаси учун хлороформ-метанол (4:1), «Гемостат» суёқ экстракти учун толуол-этил спирти (3:2) ва фитодиабетол настойкаси учун бутанол-сирка кислота-сув (4:5:1) танлаб олинган. Бу препаратларнинг миқдорий таҳлили учун спектрофотометрия ва ЮССХ усуллари ишлаб чиқилган.

Аччиқ торон ва гемостат суёқ экстрактлари ҳамда қуш торон настойкаси таркибидаги флавоноидлар йиғиндисини миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрия услуби ишлаб чиқилган. Олинган натижалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тадқиқ этилган намуналар таркибидаги флавоноидлар йиғиндисининг миқдорини аниқлаш натижалари ва услубнинг метрологик тавсифи (n=5; P=95%; (p,f)=2,78)


| $X_i, \%$ | $\bar{X}, \%$ | F | S^2 | S | $\Delta \bar{X}$ | $\bar{\varepsilon}, \%$ |
|---|---------------|---|----------|---------|------------------|-------------------------|
| «Аччиқ торон» суёқ экстракти кверцетинга нисбатан | 0,252 | 4 | 0,000026 | 0,00517 | 0,0016 | 2,54 |
| «Қуш торон» настойкаси авикуляринга нисбатан | 0,106 | 4 | 0,000001 | 0,00114 | 0,0014 | 1,33 |
| «Гемостат» суёқ экстракти рутинга нисбатан | 0,71 | 4 | 0,00020 | 0,0141 | 0,00632 | 2,47 |

Аччиқ торон суюқ экстрактида флавоноидлар йиғиндисиде кверцетинга нисбатан 0,25%, қуш торон настойкасида авикуляринга нисбатан 0,1% ва «Гемостат» суюқ экстрактида 0,7% дан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланди.


Флавоноидлар миқдорини аниқлашнинг ЮССХ таҳлил усулларини ишлаб чиқиши. Тадқиқот объектларининг сифатини назорат этишда анъанавий СФ таҳлил усули билан бир қаторда ҳозирги кунда дори воситаларининг бир вақтнинг ўзида чинлиги, тозаллиги ва миқдорини аниқлаш имконини берувчи босқичма-босқич сифат назоратини олиб бориш учун ахборот, экспрессивлиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан кенг қўлланилиб келаётган ЮССХ усулидан фойдаланиб муқобил усул сифатида миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган.

Хроматографиялаш “Chemstation 09.03.a” дастури, изократик насос ва спектрофотометрик детектор билан таъминланган «Agilent Technologies» (АҚШ) фирмасининг “Agilent 1200 series” русумидаги суюқлик хроматографида амалга оширилган. Заррачалар катталиги 5 мкм бўлган Eclipse C-18 сорбенти билан тўлдирилган 4,6×150 мм катталиқдаги Zorbax устунида, детектирлаш рутин ва кверцетинга хос λ_{\max} 357 и 370 нм тўлқин узунлиқларида, мос равишда, олиб борилди. Элюент тезлиги - 1 мл/мин, юбориладиган намуна хажми- 10 мкл. Хроматографиялаш ҳарорати- 35°C. Қўзғалувчан фаза- 0,3% фосфор кислотаси ва метанол аралашмаси. Таҳлил вақти -30 мин.

«Гемостат» суюқ экстрактини ЮССХ усулида аниқлаш натижалари қуйидаги 1 ва 2-расмларда келтирилган.




1 -расм. Рутин ва кверцетин ИСН модель эритмалари хроматограммаси




2-расм. «Гемостат» суюқ экстрактивнинг хроматограммаси

Олиб борилган тадқиқотлар асосида ЮССХ усули ёрдамида илк бор тажриба намунасида рутин ва кверцетиннинг сифат ва миқдорини аниқлашнинг кенг қамровли методологияси ишлаб чиқилган. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.


Қуш торон настойкаси учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Хроматографиялаш “Chemstation 09.03.a” дастур, изократик насос ва спектрофотометрик детектор билан таъминланган «Agilent Technologies» (АҚШ) фирмасининг “Agilent 1100 series” русумидаги суюқлик хроматографида амалга оширилди. Заррачалар катталиги 3,5 мкм бўлган SB-CN сорбенти билан тўлдирилган 3,0×150 мм катталикдаги Zorbax устунида амалга оширилди, детектирлаш рутин ва кверцетинга хос λ_{\max} 357 и 370 нм тўлқин узунликларида, мос равишда, олиб борилди. Элюент тезлиги - 1 мл/мин, киритилаётган намуна ҳажми- 20 мкл. Ҳарорат- 40⁰С, қўзғалувчан фаза - ортофосфор кислотаси билан рН=2,5 га етказилган 0,025М NaH₂PO₄ эритмаси (А каналдан) ва ацетонитрил (В каналдан) аралашмаси. Таҳлил вақти -30 мин.



3-расм. Кверцетин ИСНнинг танланган шароитдаги хроматограммаси



4-расм. Рутин ИСНнинг танланган шароитдаги хроматограммаси




5-расм. Қуш торон настойкасининг хроматограммаси


3, 4 ва 5 -расмларда келтирилган хроматограмманинг қиёсий таҳлилига кўра 4,00 ва 10,58 мин ушланишга эга чўққи юзалари мос равишда рутин ва кверцетин моддаларига тўғри келишини кўрсатди.

«Фито диабетол» настойкаси учун ЮССХ усули. Тажрибалар “Agilent 1200 series” русумли ЮСС хроматографида олиб борилди. Хроматографик таҳлиллар “Chemstation A.09.03” дастури ёрдамида компьютер орқали бошқарилди. Бунда тажриба қуйидаги шароитда олиб борилди: хроматографик колонка заррачалар ўлчами 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse C18 Nucleosil сорбенти билан тўлдирилаган, ўлчами 250 х4,6 мм, ички диаметри - 5µм; кўзгалувчан фаза: 0,3% ортофосфор кислотасининг эритмаси ва метанол (40:60) аралашмаси; кўзгалувчи фаза сарфи 1,0 мл/дақ; детектор УБ-спектрофотометр; таҳлил учун намуна ҳажми 20 мкл; детекторлаш тўлқин узунлиги 370 нм; таҳлил давомийлиги 20 дақ; ҳарорат - 40⁰ С.

Олинган хроматограммалар таҳлил қилинганда 4,40 мин ушланиш вақтида рутин чиқиши аниқланди ва у текшириладиган «Фито диабетол» настойкасининг хроматограммасидаги ушланиш вақтига мос келди.



6-расм. Рутин ИСН нинг танланган шароитдаги хроматограммаси



7-расм. «Фито диабетол» настойкаси хроматограммаси

Шундай қилиб, 2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра ЮССХ усули ёрдамида илк бор қуш торон, фитодиабетол настойкалари ва гемостат суюқ экстрактининг тажриба намуналарида рутин ва кверцетин моддаларининг идентификация ва миқдорини аниқлашнинг замонавий таҳлил услублари ишлаб чиқилди. Бунда гемостат суюқ экстрактида рутин 0,72%, кверцетин 0,034%, қуш торон настойка таркибида 0,015 % рутин ва 0,0230% кверцетин, фитодиабетол настойкаси таркибидаги рутин миқдори ўртача 0,05% ни ташкил этди. Олинган таҳлил натижаларнинг статистик тавсифига кўра усулнинг ўртача нисбий хатолиги $\pm 2,97\%$ дан ошмади.

**Янги ишлаб чиқилган препаратлар таркибидаги флавоноидларни
аниқлаш натижалари ва усулнинг метрологик тавсифи
(n=5; P=95%; t(p,f)=2,78)**

| Модда номи | X _i , % | \bar{X} , % | f | S ² | S | \bar{X} | $\bar{\varepsilon}$, % |
|----------------------------|--|---------------|-----------|----------------|---------|-----------|-------------------------|
| «Гемостат» суюқ экстракти | | | | | | | |
| Рутин | 0,731 0,726 0,720 0,725 0,740 | 0,728 | 4 | 0,00005 | 0,0075 | 0,0094 | 1,29 |
| Кверцетин | 0,035 0,034 0,034 0,035 0,035 | 0,034 | 4 | 0,0000003 | 0,00054 | 0,00068 | 1,96 |
| «Куш торон» настойкаси | | | | | | | |
| Рутин | 0,0150 0,0150 0,0145 0,0145 0,0142 | 0,015 | 4 | 0,00000012 | 0,00035 | 6,65 | 2,97 |
| Кверцетин | 0,0230 0,0230 0,0230 0,0220 0,0220 | 0,023 | 4 | 0,00000021 | 0,00046 | 5,6 | 2,5 |
| «Фито диабетол» настойкаси | | | | | | | |
| Рутин | 0,0513 0,0510 0,0498 0,0489 0,0500 | 0,050 | 0,0000009 | 0,00096 | 0,00043 | 5,35 | 2,39 |

Ишлаб чиқилган янги дори воситаларни стандартлаш. Олинган янги дори препаратлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дори воситаларини хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги 2016 й. 27 октябрдаги 365-сон Қарорида келтирилган талаблар асосида қуйидаги сифат кўрсаткичлари бўйича меъёрлари ишлаб чиқилди: тасвирланиши, чинлиги, қуруқ қолдиқ, оғир металлларни миқдори, зичлиги, спирт концентрацияси, миқдорий таҳлил, микробиологик тозаллиги ва сақланиш муддати. Натижалар 3-жадвалда келтирилди.

«Гемостат» экстрактивнинг сифат кўрсаткичлари ва меъёрлари

| № | Кўрсаткичлари | Усул | Меъёрлари |
|----|---|---|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Тасвирланиши | Визуал | Яшил-кўнғир рангли суюқлик, хушбўй хид ва аччиқ - буриштирувчи маъзага эга |
| 2 | Чинлиги: флавоноидлар кверцетин витамин К ₁ | Кимёвий усул темир (III) хлориднинг 5 % ли эритмаси кўшилади. ЮҚХ «Силуфол» (15x15 см) пластинка система толуол: этил спирти (96%) (3:2) эртувчилар аралашмаси ЮҚХ «Silufol UV 254» (15×15см) эртувчилар аралашмаси (эфир-бензол (2:8)) УБ-нур ($\lambda=360$ нм) остида кўрилади. | Реакция натижасида тўқ яшил ранг ҳосил бўлади. иккита доғ ҳосил бўлиши керак (R_f (рутин ва кверцетин) 0,44 ва 0,54 Бинафша фонда оқ рангли доғ ($R_f = 0,43$) бўлиши керак |
| 3 | Оғир металлар | XI ДФ | 0,01% дан ошмаслиги керак |
| 4 | Зичлиги | XI ДФ | 0,909 г/см ³ дан 0,909 г/см ³ гача |
| 5 | Спирт концентрацияси | XI ДФ ва ГСХ усули | 65 % кам бўлмаслиги керак |
| 6 | Қуруқ қолдиқ | XI ДФ | 1,5 % дан кам бўлмаслиги керак |
| 7 | Микробиологик тозаллиги | ЗБ категория | XI ДФ ва ўзгариш №2 |
| 8 | Микдорий таҳлил: Рутин Кверцетин | камида 0,72 % камида 0,035 % | ЮССХ ва УБ спектрофотометрия |
| 9 | Қадоқланиши | Тармоқ стандарти | 25 мл хажмли эритмада $\pm 5\%$, 50 мл эса $\pm 3\%$ |
| 10 | Ёрлиқланиши | КФМ талаби бўйича | |
| 11 | Транспортировка | ГОСТ 17768-90Е | |
| 12 | Сақланиши | Ёруғликдан ҳимояланган холда, 10°C - 15° С дан юқори бўлмаган ҳароратда 2 йил | |


Диссертациянинг тўртинчи боби «Баъзи настойка ва экстрактларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш» деб номланган. Хозирда маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган настойка ва экстрактларнинг чинлиги асосан кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилинмоқда. Мазкур маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш учун ва объектив баҳолаш учун кимёвий усуллар билан биргаликда замонавий таҳлил усулларидан фойдаланиш талаб этилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ривожланган давлатлар фармакопояларининг аксариятида бундай фармацевтик препаратларнинг сифати инструментал таҳлил усуллари ёрдамида баҳоланмоқда. Шу сабабали фармацевтика саноатида ишлаб чиқарилаётган баъзи фитопрепаратлар чинлигини аниқлаш усулларини такомиллаштириш юзасидан изланишлар олиб борилди ва уларнинг натижалари ушбу бобда келтирилди.

Бунинг учун мазкур препаратлар учун хос бўлган мавжуд анъанавий кимёвий сифат реакциялари билан бир қаторда турли таҳлил усуллардан жумладан, ультрабинафша соҳадаги (УБ-спектри) тавсифи, хроматографик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Жағ-жағ суюқ экстракти, аччик қалампир, тирноқгул, валериана ва женьшень настойкаларини чинлигини аниқлаш учун ЮҚХ ва ЮССХ усуллари таклиф этилди.


Бугунги кунда жағ-жағ суюқ экстрактининг меъёрий ҳужжатида миқдорини аниқлаш усули мавжуд эмас. Шунинг учун суюқ экстракт таркибидаги флавоноидларни аниқлашнинг спектрофотометрия усули ишлаб чиқилди. Рутинга нисбатан флавоноидлар йиғиндиси аниқланди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

Кейинги изланишларимиз жағ-жағ суюқ экстракти таркибидаги флавоноидлар миқдорини аниқлашнинг ЮССХ усулини ишлаб чиқишга қаратилди. Хроматографиялаш “Chemstation A.09.03” дастурли компьютер орқали бошқариладиган, изократик насос ва спектрофотометрик детекторли “Agilent 1200 series” русумли юқори самарали суюқлик хроматографида олиб борилди. Хроматографик колонка ўлчами 250 x4,6 мм, ички диаметри эса 5мм ва у заррачалар ўлчами 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse C18 Nucleosil сорбент билан тўлдирилаган. Ҳаракатчан фаза ортофосфор кислотасининг 0,5% ли эритмаси ва метанол, қўзғалувчи фаза сарфи 1,0 мл/дақ; таҳлил учун намуна ҳажми 20 мкл; детекторлаш тўлқин узунлиги 330 нм; хроматографиялаш харорати 35⁰С, таҳлил давомийлиги 20 мин.

Жағ-жағ суюқ экстракти ва рутин ИСН хроматограммаси ушланиш вақти (6,5 мин.) бўйича идентификация қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари ва ишлаб чиқилган ЮССХ усулининг метрологик тавсифи қуйидаги 4-жадвалда келтирилди.



8.-расм. Рутин ишчи стандарт намуна эритмасининг хроматограммаси



9-расм. Жағ-жағ суюқ экстрактининг хроматограммаси

4-жадвал


Жағ-жағ суюқ экстракти таркибидаги рутин миқдорини аниқлаш натижалари ва услубнинг метрологик тавсифи (n=5; P=95%; t(p,f)=2,78)

| $X_i, \%$ | $\bar{X}, \%$ | f | S^2 | S | S_x | $\bar{\varepsilon}, \%$ |
|--|---------------|---|---------|--------|--------|-------------------------|
| Спектрофотометрия усули | | | | | | |
| $X_1=1,50$ $X_2=1,52$ $X_3=1,52$ $X_4=1,52$ $X_5=1,53$ | 1,51 | 4 | 0,00012 | 0,0109 | 0,0048 | 0,89 |
| ЮССХ усули | | | | | | |
| $X_1=1,30$ $X_2=1,32$ $X_3=1,32$ $X_4=1,34$ $X_5=1,34$ | 1,32 | 4 | 0,00028 | 0,016 | 0,0074 | 1,57 |


4 -жадвалда келтирилган маълумотларга кўра илк бор жағ-жағ суяқ экстрактини миқдорини аниқлашнинг спектрофотометрия ва ЮССХ усули ишлаб чиқилди.

Аччиқ қалампир настойкаси таркибидаги капсаициноидлар йиғиндисини аниқлаш усулини такомиллаштириш. Маҳаллий қитиқловчи ва оғриқ қолдирувчи дори воситаларидан бири бу аччиқ қалампир настойкаси ҳисобланади. Адабиётлардаги маълумотларга кўра унинг биологик фаол бирикмаси алкалоид капсаицин (70% гача) эканлиги аниқланган. Кўп жиҳатдан ушбу препаратнинг стандартлаштириш масаласи очиқ қолмоқда. Бугунги кунда мазкур препарат учун КФМ 42 Уз-23325453-2607-2014 мавжуд. Унда келтирилган миқдорий таҳлил усули кўп босқичли жараёндан иборат. Маҳаллий ишлаб чиқарилаётган аччиқ қалампир настойкаси меъерий хужжатини ривожланган мамлакатлар фармакопеялари билан уйғунлаштириш мақсадида, миллий қонунчилик талаблари асосида миллий монографияни ишлаб чиқиш учун, мазкур препаратнинг сифатини назорат қилишни миқдорий таҳлилинини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун настойка қўшимча бирикмаларда ажратилди ва кейинчалик спектрофотометрия усулидан фойдаланиш имконияти ўрганилди. Таҳлил натижалари капсаицин ишчи стандарт намунаси (ИСН) асосида олинган солиштирма ютиш кўрсаткичи бўйича ҳисобланди.

Эритманинг оптик зичлиги спектрофотометрда 280 нм тўлқин узунлигида аниқланади. Олиб борилган изланиш натижалари қуйидаги 10, 11-расмлар ва 5-жадвалда келтирилди.



10-расм. Капсаицин УВ-спектри



11-расм. Аччиқ қалампир настойкасининг УВ-спектри

5-жадвал

Аччиқ қалампир настойкасидаги капсаицинни миқдорий таҳлил натижалари

| Намуна серияси | Олинган настойка хажми, мл | Оптик зичлик | Аниқланган миқдори | | Статистик натижалари |
|----------------|----------------------------|--------------|--------------------|-------|---|
| | | | г | % | |
| 020816 | 0,50 | 0,402 | 0,00208 | 0,217 | R=0,012, X _{ўр} =0,2132, S ² =0.00002570, S=0.006104, S _x =0.002267 P=95, T=2,78; E=6,610; E _{ўр} =2,95 |
| 030816 | 0,50 | 0,392 | 0,00211 | 0,211 | |
| 030916 | 0,50 | 0,410 | 0,00220 | 0,220 | |
| 031016 | 0,50 | 0,390 | 0,00210 | 0,210 | |
| 041116 | 0,50 | 0,386 | 0,00208 | 0,208 | |
| 020816 | 1,00 | 0,790 | 0,00210 | 0,210 | R=0.016, X _{ўр} =0.2141, S ² =0.00003726, S=0.006104, S _x =0.002158 P=95; T=2,37; E=6,72; E _{ўр} =2,37 |
| 030816 | 1,00 | 0,783 | 0,00201 | 0,208 | |
| 030916 | 1,00 | 0,810 | 0,00216 | 0,216 | |
| 031016 | 1,00 | 0,802 | 0,00213 | 0,213 | |
| 041116 | 1,00 | 0,820 | 0,00219 | 0,219 | |
| 020816 | 1,00 | 0,830 | 0,00221 | 0,221 | |
| 030816 | 1,00 | 0,828 | 0,002201 | 0,221 | |
| 030916 | 1,00 | 0,772 | 0,00205 | 0,205 | |

Ушбу усул маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган аччиқ қалампир настойкасининг бир неча серияларида синаб кўрилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари аччиқ қалампир настойкаси намуналари таркибида капсаициноидлар миқдори капсаицинга нисбатан ўртача 0,21% ни ва усулнинг статистик тавсифи бўйича нисбий хатолик ўртача 2,37 % ни ташкил қилди.

Бешинчи боб «Экстракт ва настойкалар учун ишлаб чиқилган миқдорий таҳлил усуллари валидацияси»га бағишланган. Фармацевтика ишлаб чиқариш саноатига қўйилаётган замонавий талабларга мувофиқ дори-дармонлар сифатини баҳолашда валидацияланган (яроқлилиги аниқланган)

таҳлил усулларидадан фойдаланиш лозим. Аналитик усуллари валидациялаш–бу усулнинг белгиланган вазифани ечишга тўлақонли яроқли эканлигини тажрибалар асосида исботлаш демакдир.

Таҳлил усуллар валидацияси янги дори воситалари учун ишлаб чиқилган таҳлил усуллари нафақат фармацевтика саноатининг назорат-таҳлил лабораториялари амалиётига татбиқ этиш жараёнида, балки таҳлил усуллари шартлари ўзгартирилганда ҳам амалга оширилади.

Валидациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, янги таҳлил усуллари ишлаб чиқиш жараёнида уларнинг камчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва усулни дастлабки босқичларда сезиларли даражада яхшилаш имконияти мавжуд бўлади. Таклиф этилаётган флавоноидлар миқдорини аниқлашнинг таҳлил усуллари валидациялаш жараёни препаратларнинг намуналарида тегишли тартибда амалга оширилди. Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

«Гемостат», аччиқ торон ва жағ-жағ суюқ экстрактлари учун ишлаб чиқилган спектрофотометрия усулининг валидация натижалари

| Валидацион кўрсаткичлар | Мақбуллик мезонлари | Натижалар | | |
|-------------------------|---|---|--|--|
| | | «Гемостат» суюқ экстракти | Аччиқ торон суюқ экстракти | Жағ-жағ суюқ экстракти |
| Хусусийлиги | Намунани тайёрлаш учун фойдаланиладиган реактивлар ва эритувчилар, плацебо таркиби натижага таъсир қилмайди | мутаносиб | мутаносиб | мутаносиб |
| Чизиқлилиги | Корреляция коэффициенти $\geq 0,99$ | 0,9999 | 0,9912 | 0,9999 |
| Такрорийлиги | Вариация коэффициенти $\leq 1,5\%$ (n ≤ 6 , серия 2); | ВК=0,54 | ВК=0,93 | ВК=1,03 |
| Оралиқ қайтарувчанлиги | Вариация коэффициенти: $\leq 1,5\%$ (n ≤ 6 , серия 2); | 1-аналитик ВК = 0,55 % 2 –аналитик ВК=1,19 % | 1-аналитик ВК = 0,93% 2 –аналитик ВК=0,0078 | 1-аналитик ВК = 1,03% 2 –аналитик ВК=1,89 % |
| Тўғрилиги | Четланиш омили: ўртача қиймат 97,5 – 102,5% Вариация коэффициенти: $\leq 2,0\%$ Ишонччилик чегараси (ИЧ) 100% | ўртача қиймат: 99,73% вариация коэффициенти: 0,546 $\leq 2,0\%$ ИЧ: 100% | ўртача қиймат: 99,85% вариация коэффициенти: $\leq 2,0\%$ ИЧ: 100% | ўртача қиймат: 99,25% вариация коэффициенти: $\leq 2,0\%$ ИЧ: 100% |

Олтинчи боб «Экстракт ва настойкалар таркибидаги «спирт миқдори» ва «оғир металллар» кўрсаткичларини аниқлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш»га бағишланган.

Ривожланган давлатларнинг меъёрий ҳужжатларини (фармакопеялар) ўрганиш суюқ экстракт ва настойкалар сифатига қўйилган талабларнинг орасида ўхшашлик ва фарқ борлигини кўрсатди, масалан, метанол ва 2-пропанолни аниқлаш кўрсаткичи фақатгина Европа ва Белоруссия фармакопеяларида келтирилган. Уларнинг миқдори дори препарати таркибида 0,05 ва 0,06% дан ошмаслиги керак. Шунингдек, ДФ XI нашрида этанол миқдорини аниқлашнинг хайдаш орқали ва зичлик бўйича, хорижий фармакопеяларда эса замонавий газ-суюқлик хроматография (ГСХ) усулида аниқлаш тавсия этилган.

Бугунги кунда маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчи корхоналарда настойка ва суюқ экстрактлар таркибидаги этил спирти асосан ДФ XI нашрида келтирилган усул, зичлик бўйича аниқланмоқда. Ушбу усул этил спиртини аниқлашга имкон берсада, этил спирти таркибидаги ёт моддаларни аниқлаш имконини бермайди.

Маълумки, этил спирти таркибида изопропанол ёт модда сифатида сақланиши мумкин. Ушбу модда захарлилиги бўйича 3-синф гуруҳига мансуб бўлиб, унинг миқдори 0,5% дан ошмаслиги лозим. Изопропанолнинг миқдори бугунги кун талабига кўра аниқланиши ва унинг чегараси меъёрий ҳужжатларда келтирилган бўлиши шарт. Бундай ёт бирикмаларни валидацияланган усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин, кўпинча инструментал усуллар сарасига кирган газ суюқлик хроматография усулидан фойдаланилади.

